

И.Ф.Н., проф Х.Х.Абдураманов

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш  
Олий мактаби

## ДЕМОГРАФИК ИНДИКАТОРЛАР АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ

Ушбу мақолада иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ва прогнозлаштириш тартиби таклиф этилган, демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатига баҳо берилган, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** баҳолаш, демографик индикаторлар, демографик таҳдидлар, иқтисодий хавфсизлик, инқироз олди, инқироз, прогнозлаштириш.

## МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА ОСНОВЕ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ИНДИКАТОРОВ

В данной статье предложена методика оценки и прогнозирования экономической безопасности, разработана методика оценки экономической безопасности на основе демографических индикаторов, проведена оценка состояния экономической безопасности Республики Узбекистан, даны научные предложения и рекомендации по обеспечению экономической безопасности.

**Ключевые слова:** оценка, демографические индикаторы, демографические риски, экономический безопасности, перед кризис, кризис, прогнозирование

## ECONOMIC SECURITY ASSESSMENT METHODOLOGY BASED ON DEMOGRAPHIC INDICATORS

This article proposes a methodology for assessing and forecasting economic security, developed a method for assessing economic security based on demographic indicators, assessed the state of economic security of the Republic of Uzbekistan, and provided scientific proposals and recommendations for ensuring economic security.

**Key words:** assessment, demographic indicators, demographic risks, economic security, before the crisis, crisis, forecasting

### КИРИШ

Дунёда аҳолиси сони ва мобиллигининг ўсиши, урбанизация даражаси ва кексалар улушининг ортиши каби мислсиз демографик ўзгаришлар иқтисодий хавфсизликка таҳдид солмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё аҳолиси 7,7 млрд. кишини ташкил этиб, 2050 йилгача узлуксиз ўсиб, 9,7 млрд. кишига, юз йиллик охирида тахминан 11,0 млрд. кишига этишига кутилади [1]. Шу жиҳатдан ҳам давлатлар томонидан демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида мақсадли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда иқтисодий хавфсизликни камайтириш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса миллий иқтисодиётни рағбатлантириш, киберхавфсизликни кучайтириш, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, интеллектуал асосни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш ва янгилиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш, барқарор ижтимоий муҳитни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, илмий изланишлар таркибида демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда ички иқтисодий барқарорликка эришиш ва халқаро даражадаги мавқеларни мустаҳкамлаш, миллий ресурсларнинг ҳаракатланиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат томонидан назорат қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурс базасининг етарли даражаси ва манбаларни диверсификация қилиш, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлаш ва ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятини ошириш, инсон капиталини юқори даражада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш” [2] бўйича аник чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу борада демографик жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, демография соҳасидаги хавф зоналарининг чегараларини аниқлаш, демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этиш, демографик ривожланишни яхшилашнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиши юзасидан илмий-тадқиқотларни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Демографик ривожланишни ўрганиш ва уни тартибга солиш муаммоларига нисбатан комплекс ёндашувнинг зарурлиги ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Бундай ёндашувда демографик ривожланиш, бир томондан, унинг омилларини шартлаб берувчи мураккаб тизимда, иккинчи томондан, унинг ривожланишини ташкил қилувчи жараёнларнинг ўзаро ҳамкорлигига кўриб чиқилади [3].

Бир қатор тадқиқотчилар демографик вазиятни баҳолаш учун интеграл кўрсаткичлардан фойдаланган. Ушбу кўрсаткичлардан бири ҳаётийлик индексидир (Покровский-Пирла индекси) [4]. Унинг қиймати туғилиш кўрсаткичини ўлим сонига ёки туғилганлар сонини ўлганлар сонига бўлиш орқали топилади. Аҳоли табиий популациясининг пасайиши ҳолатларида, одатда, ўлим кўрсаткичининг тескари бўлиниши орқали топилади.

С. Сулакшин томонидан демографик ҳолатни ва умуман демографик сиёсатнинг муваффақиятини тавсифловчи интеграл индикатор сифатида мамлакатнинг ҳаётийлик омили коэффициенти таклиф қилинган [5].

Демографик хавфсизликни аниқлашнинг кам сонли усулларидан бири С.Соболева ва О.Чудаева томонидан ишлаб чиқилган [6]. Ушбу муаллифлар демографик таҳдидлар кўрсаткичлари тизимини таклиф қилган.

Е. Шершакова демографик индикаторларни баҳолашнинг муқобил методологиясини таклиф қилган [7]. Муаллиф 11 та асосий кўрсаткичдан иборат демографик кўрсаткичлар тизимини тақдим этган, булар: туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, аҳолининг табиий ҳаракатланиш қолдиғи, туғилиш даражаси, ўлим даражаси, болалар ўлими даражаси, ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи, миграцион ўсиш (камайиш), аҳолининг кексайиш коэффициенти, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳолининг иқтисодий юки, умумий ишсизлик даражаси, қашшоқлик даражаси.

Filip Hon ва Jitka Langhamrova демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш учун уларни ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари қаторига киритиш мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимини таклиф қилган [8].

Таҳлилларни умумлаштирган ҳолда бугунги кунда демографик ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг имконини берадиган ягона комплекс ёндашув мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиқиб демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада тизимли таҳлил, мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлар, гурухлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, индекс усулларидан фойдаланилади.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Иқтисодий хавфсизликни илмий тадқиқ этишнинг асосий услубий воситаларидан бири унинг ҳолатини баҳолаш ҳисобланади (1-расм). Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш худуд хавфсизлигига таҳдидлар даражаси, унинг миқдор ва сифат ўлчамларини, мамлакат иқтисодиётининг истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқлаш ҳамда мазкур таҳдидларни бартараф этиш бўйича дастурий-мақсадли чора-тадбирларни шакллантириш имконини беради.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати учун индикаторларнинг чегаравий даражалари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар доирасидан ташқарига чиқиш ишлаб чиқариш жараёнининг нормал кечишига сезиларли даражада тўсқинлик қиласида ва салбий тенденцияларни келтириб чиқаради.

Иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг чегаравий даражаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг ишларини тадқиқ қилиш асосида биз интеграл кўрсаткични ҳисоблаш ва иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг қўйидаги босқичлардан иборат усулини ишлаб чиқдик:

**1. Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун кўрсаткичлар ва уларнинг чегаравий даражаларини танлаш ва илмий жиҳатдан асослаш.**

Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун интеграл кўрсаткични қўйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мумкин (1-жадвал).

Асос қилиб иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларининг хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан таклиф этилиб, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасига мослаштирилган тизими, шунингдек иқтисодий хавфсизлик тизимидағи ўттиз учта демографик индикатор танлаб олинди.

Барча кўрсаткичлар ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлиги учун стратегик аҳамиятга эга бўлган қўйидаги таҳлил йўналишлари бўйича гурухланди: аҳоли ҳаракати; аҳоли таркиби; аҳоли саломатлиги; меҳнат бозори ва фаровонлик.

Тавсиф этилаётган индикаторлар тизими ва кўрсаткичлар базаси мураккаб тамойилларга (демография соҳасидаги деярли барча жиҳатларни қамраб олади), илмий асосланган (кўрсаткичлар республика ва жаҳон амалиётида қўлланиладиган статистик маълумотларга таянган ҳолда белгиланади), тизимли равишда амалга оширилади (индикаторлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ).

Ушбу индикаторларни ишлаб чиқиша Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилди ҳамда ушбу статистик маълумотлар базасида ҳисобланган кўрсаткичлар қўлланилди.

Сўнгра демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш мақсадида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганиш асосида кўрсаткичларнинг чегаравий даражалари аниқланиб, улар ҳам 1-жадвалда йўналишлар бўйича акс эттирилди.

Чегаравий қийматлар сифатида муаллиф томонидан демографик омилнинг таъсирини ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг узоқ муддатли динамикасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилган Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача катталиклар асос қилиб олинди.

Ушбу кўрсаткичлар тизимидан ва уларнинг чегаравий даражаларидан фойдаланиш иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ва иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги юқори таваккалчилик нуқталарини аниқлаш имконини беради.



**1-расм. Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ва прогнозлаштириш чизмаси\***

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

**1-жадвал**

**Иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизими ва унинг йўналишлар бўйича чегаравий қийматлари**

| Индикатор   | Чегара-вий қиймат | Индикатор  | Чегара-вий қиймат |
|---|-------------------|--|-------------------|
| <b>1. Демографик салоҳият</b>   |                   | 18. Иқтисодий фаол аҳоли улуши, %  | 50,0              |
| 1. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати, %  | 1,3               | 19. Бандлик даражаси, %  | 46,0              |
| 2. Умумий аҳоли сонида меҳнат ёшидан кичик шахслар улуши, %   | 22,0              | 20. Ишсизлик даражаси, %   | 8,0               |
| 3. Умумий аҳоли сонида меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар улуши, %                                      | 58,0              | 21. Меҳнат бозоридаги танглик даражаси, бирлик                             | 6,0               |
| 4. Аҳолининг кексайиш коэффициенти, %   | 6,0               | 22. Норасмий мигрантлар улуши, %   | 1,0               |
| 5. Меҳнатга қобилиятли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик шахслар сони | 40,0              | 23. Заарли ва хавфли меҳнат шароитида бандлар улуши, %                     | 2,0               |
| 6. Меҳнатга қобилиятли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатли ёшдан катта шахслар сони | 30,0              | 24. Ишлаб чиқаришда шикастланганлик даражаси, 1000 ишловчига               | 0,5               |
| 7. Меҳнатга қобилиятли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони            | 70,0              | <b>Аҳоли даромадлари</b>   |                   |
| 8. Туғилишнинг умумий коэффициенти, %   | 20,0              | 25. Аҳоли реал даромад-ларининг ўсиш суръати, %                            | 105,0             |
| 9. Ўлимнинг умумий коэффициенти, %  | 10,0              | 26. Озиқ-овқат истеъмол харажатларининг улуши, %                           | 40,0              |
| 10. Чақалоқлар ўлими, %   | 5,0               | 27. Камбағаллик коэффициенти, %  | 8,0               |
| 11. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлим коэффициенти, %   | 2,0               | 28. Фонд коэффициенти, марта   | 7,0               |
| 12. Табиий ўсиш коэффициенти, %   | 6,5               | 29. Пенсия ўртача микдорининг иш ҳаки ўртача микдорига нисбати, %          | 40,0              |
| 13. Миграцион ўсиш коэффициенти, %  | 0                 | <b>Ижтимоий инфратузилма</b>   |                   |
| 14. Жами туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш  | 72                | 30. ЯИМга нисбатан соғлиқни сақлашга давлат харажатлари, %                 | 7,0               |
| 15. Эркакларнинг туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш  | 70                | 31. Ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган шифохона ўринлари сони              | 120,0             |
| 16. Аёлларнинг туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш  | 74                | 32. Аҳолининг шифокорлар билан таъминланганлиги, 10 000 аҳолига            | 60,0              |
| <b>2. Меҳнат бозори</b>   |                   | 33. Аҳолининг ўрта тибиёт ходимлари билан таъминланганлиги, 10 000 аҳолига | 120,0             |
| 17. Меҳнат ресурслари улуши, %  |                   | 34. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси, кв.м                      | 25,0              |

Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилган ижтимоий-иктисодий ва демографик кўрсаткичларни вакти-вақти билан ўзгариб турадиган шароитларга мослаштириб туриш лозим.

Иктисодий хавфсизликни баҳолаш бўйича таклиф этилаётган кўрсаткичлар асосан иктисодий фан, амалиёт ва статистикада қабул қилинган кўрсаткичлар билан боғланди. Бундан ташқари, таклиф этилаётган баҳолаш кўрсаткичлари давлат бошқарув органларининг самарадорлигини баҳолаш учун улардан фойдаланиш имкониятини назарда тутади.

## 2. Иктисодий хавфсизликни микдорий баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткичнинг алоҳида кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Кейинги босқичда иктисодий хавфсизлик даражасини микдорий баҳолашнинг стратегик йўналишлар бўйича гурухланган алоҳида кўрсаткичлар асосида шаклланадиган интеграл кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади.

Стратегик йўналишлар бўйича гурухланган алоҳида кўрсаткичлар асосида шаклланадиган *иктисодий хавфсизлик даражасининг интеграл кўрсаткичи (Кихд)* таклиф этилади.

Алоҳида нормаланган маълумотларни ягона интеграл кўрсаткичга бирлаштириш учун оддий ўртacha арифметик формуладан фойдаланишни таклиф қиласиз, унинг қўлланилиши шуни назарда тутадики, барча асосий кўрсаткичлар ўзаро алмашина оладиган бўлиб, нормаланган кўрсаткичлардан бири даражасининг пасайиши интеграл баҳолашда нормалаштирилган кўрсаткич даражасининг бошқа ижобий ўзгариши билан тўлиқ қопланади (1-формула):

$$K_{ихд} = \frac{\sum K_i}{n} \quad (1)$$

бу ерда:  $n$  – иктисодий хавфсизликни таҳлил қилиш бўйича стратегик йўналишлар сони.

Ўртacha арифметик катталиқдан фойдаланиш математик нуқтаи назардан асосланган, чунки биз функционал боғлиқ бўлмаган ва бир хил салмоққа эга бўлган кўрсаткичлар тизимини қўриб чиқаяпмиз, бу кўрсаткичларни танлаш шарти билан белгиланади.

Ҳар бир алоҳида кўрсаткич учун аҳамиятлилик даражасини кўрсаткичларнинг ҳақиқий ва чегаравий даражалари ўртасидаги нисбат сифатида белгилаш таклиф этилади. Мазкур усул турли ўлчов бирликларига эга бўлган таклиф этилаётган кўрсаткичлар тизими учун жуда муҳим бўлган ягона ўлчамсиз катталикка ўтиш ва бирлик сифатида қабул қилинадиган чегаравий даражага нисбатан нормалаштиришни ўтказиш имконини беради.

Аҳамиятлилик (нисбат) коэффициенти, агар иктисодий хавфсизликнинг тегишли кўрсаткичини ( $K_{i1}$ ) ошириш мақсадга мувофиқ бўлса, ҳақиқий даражанинг чегаравий даражага нисбати сифатида ва, агар уни ( $K_{i2}$ ) камайтириш мақсадга мувофиқ бўлса, аксинча ҳисоблаб чиқилади (2 ва 3-формулалар):

$$Ki_1 = \frac{Yx_i}{Y\chi_i} \quad (2) \qquad Ki_2 = \frac{Y\chi_i}{Yx_i} \quad (3)$$

Бу ерда:  $Ki_1$  и  $Ki_2$  - ҳақиқий ва чегаравий даражалари ўртасидаги нисбат коэффициентлари;

$Yx_i$  – кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$Y\chi_i$  – кўрсаткичнинг чегаравий қиймати.

**3. Иқтисодий хавфсизликни мезоний чегараларининг шкаласи асосида баҳолаш.** Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун экспертларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган иқтисодий хавфсизлик даражаси интеграл кўрсаткичи мезоний чегараларининг қуйидаги шкаласи таклиф этилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш шкаласи

| Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш | Иқтисодий хавфсизлик интеграл кўрсаткичининг мезоний чегаралари |
|--------------------------------|---|
| юқори                          | 1,05 ва ундан юқори   |
| нормал                         | 1,00-1,04   |
| паст (инқироз олди)            | 0,70-0,99   |
| инқироз                        | 0,5-0,69  |
| киритик                        | 0,49 ва ундан паст  |

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганиш асосида кўриб чиқилаётган ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлик даражаси бўйича ҳолатининг қуйидаги асосий градацияларини ажратдик: юқори, нормал, паст (инқироз бошланиши олдидаги), инқироз ва критик.

Бутун ҳудуд бўйича 1,05 ва ундан юқори чегарадаги интеграл кўрсаткич даражаси таъминланган тақдирда, ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлигига юқори баҳо берилади. Бунда иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг барча йўналишлари ва улар кўрсаткичларининг 1,05 дан юқори бўлган якуний даражалари таъминланади. Агар ҳеч бўлмаганда битта индикатор 1,05 дан паст даражага эга бўлса, ушбу йўналиш ёки ҳудуд бўйича умумий вазиятни нормал деб ҳисоблаш керак.

Ҳудуд бўйича 1,00 – 1,04 чегараларида интеграл кўрсаткич даражаси таъминланадиган ҳолатни ҳудуд иқтисодий хавфсизлигининг нормал ҳолати деб ҳисоблаймиз. Бунда иқтисодий хавфсизликни баҳолаш барча таркибий қисмлари ва улар кўрсаткичларининг 1,00 дан юқори бўлган якуний даражалари таъминланади. Агар ҳеч бўлмаганда битта индикатор 1,00 дан паст даражага эга бўлса, у ҳолда мазкур йўналишдаги умумий вазиятни паст (инқироз олди) деб ҳисоблаш лозим.

Интеграл кўрсаткич даражаси ҳудуд бўйича 0,70 – 0,99 чегараларида бўлган ҳолатни ҳудуд иқтисодий хавфсизлигининг паст (инқироз олди) ҳолати

деб ҳисоблаймиз. Агар ҳеч бўлмаганда битта индикатор 0,7 дан паст даражага эга бўлса, у ҳолда ушбу йўналишдаги умумий вазиятни инқироз вазияти, деб ҳисоблаш керак.

Иқтисодий хавфсизликнинг паст (инқироз олди) ҳолати иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар бошқарув жараёнларида ҳисобга олиниши керак бўлган даражада муҳим аҳамият касб эта бошлаган ҳолат билан тавсифланади. Агар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги таҳдидларни бартараф этиш чоралари кўрилмаса, бекарорлаштирувчи омилларнинг ривожланиши хавфи юзага келади, бу умумий иқтисодий вазиятни ёмонлаштириши ёки ҳаётни таъминлашнинг энг муҳим соҳалари бўйича хавфсизликни заифлаштириши мумкин.

Шу билан бирга, қўриб чиқилаётган субъектнинг ҳолатини нафақат алоҳида соҳалар бўйича, балки бутун ижтимоий-иктисодий тизим бўйича ҳам баҳолаш зарурати туғилади. Инқироз олди ҳолат, умуман олганда, ҳолатнинг қайта тикланмайдиган даражада ёмонлашувини англатмайди, аммо у ҳаётни таъминлашнинг алоҳида соҳалари бўйича ҳолатнинг сезиларли даражада ёмонлашганлигини англастиши мумкин. Бироқ, бу ёмонлашувни, асосан, ташкилий, бошқарув ва молиявий-иктисодий хусусиятга эга бўлган зарур тузатиш чораларини кўриш орқали бартараф этиш мумкин.

Иқтисодий хавфсизликнинг “инқироз олди ҳолати” тушунчасини киритиш айнан вазият ривожида юзага келадиган хавфли тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш ва улар ўсишининг олдини олиш учун зарур. Шунинг учун олдини олиш чоралари асосан инқироз олди босқичда қўлланилади. Бироқ, иқтисодий хавфсизликнинг инқироз олди ҳолатнинг жиддийлигига аҳамият бермасликнинг иложи йўқ, чунки салбий омиллар таъсирининг узунлиги субъектнинг ушбу ҳаракатга қаршилигини аста-секин заифлаштиради, бу одатда унинг ҳолатининг янада ёмонлашувига олиб келади. Ҳаётни таъминлашнинг турли соҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги сабабли ҳолатнинг ёмонлашуви аста-секин иқтисодиётнинг янги ва янги соҳаларини эгаллаб боради. Субъектнинг таҳдидларга қаршилик кўрсата олиши аста-секин камайиб боради ва унинг барқарор ривожланишига таҳдид ортади.

Умуман ҳудуд бўйича интеграл кўрсаткич  $0,5 - 0,69$  чегараларида бўлган ҳолатни ҳудуд иқтисодий хавфсизлигининг инқироз ҳолати деб ҳисоблаймиз. Агар ҳеч бўлмаганда битта индикатор 0,5 дан паст даражага эга бўлса, у ҳолда мазкур йўналиш бўйича умумий вазиятга критик вазият сифатида қараш керак.

Инқироз босқичи ҳаётни таъминлашнинг асосий соҳаларида ижтимоий-демографик кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ёмонлашуви ёки бир нечта муҳим йўналишлар бўйича ўта сезиларли даражада ёмонлашуви билан уйғунликда иқтисодий фаолият обьектлари молиявий-иктисодий аҳволининг сезиларли даражада ёмонлашуви билан тавсифланади. Бунинг натижасида иқтисодиёт тармоқларида такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ва минтақа ахолиси, ҳудудий тузилма ҳаёт кечиришининг нормал шароитлари таъминланмайди. Ушбу босқич, шунингдек, инқирознинг дастлабки босқичида барқарор ривожланиши хавф остига қўядиган, инқироз чуқурлашиб боргани

сайин эса барқарор ривожланишнинг йўқолишига олиб келадиган ривожланишнинг ўта муҳим салбий тенденциялари (динамикаси) билан ҳам тавсифланади.

Инқироз ҳолати иқтисодий хавфсизликнинг инқироз бошланиши олдидаги ҳолатидан фарқли ўлароқ, ижтимоий-иктисодий тизимни бошқариш тизимидағи таркибий ва институционал ўзгаришларнинг амалга оширилишини назарда тутади.

Инқироз олди ҳолатидан инқироз ҳолатига ўтиш қўйидагиларни англатади:

- демографик кўрсаткичларнинг иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига ва аҳоли қатламларига таъсир кўрсатадиган ҳамда молиявий-иктисодий кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ёмонлашувига олиб келадиган тарзда ёмонлашуви;

- тизим (субъект) асосий параметрларининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг уларни қайта тиклаш учун ташкилий олдини олиш чораларини кўриш етарли бўлмайди даражада заифлашувига олиб келувчи салбий ўзгариши;

- хавфсизлика таҳдид таъсирининг хавфсиз ҳолатнинг тикланиши катта миқдордаги (моддий, молиявий) ресурсларнинг сарфланишига олиб келадиган босқичларига ўтиш. Бунда, одатда, ресурсларни сафарбар этиш учун шартшароитлар издан чиқкан (захираларнинг мавжуд эмаслиги).

Умуман ҳудуд бўйича интеграл кўрсаткич 0,49 ва ундан паст чегараларда бўлган ҳолатни ҳудуд иқтисодий хавфсизлигининг критик ҳолати, деб ҳисоблаймиз. Критик ҳолат иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги қайтарилмас жараёнлар билан тавсифланади.

Мазкур методика бўйича ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизликни интеграл баҳолаш индекси 2010 йилда – 0,799, 2015 йилда – 0,811 ва 2019 йилда – 0,780 ни ташкил қиласди (3-жадвал).

Мазкур кўрсаткичлар бўйича республиканинг иқтисодий хавфсизлик даражаси – паст (инқироз олди) ҳисобланади.

Ўтказилган баҳолашда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликнинг инқироз олди ҳолатининг бекарорлаштирувчи демографик омиллари қўйидагилардан иборатлигини аниқлашга муваффақ бўлинди:

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг пастлиги (соғлиқни сақлаш кам харажатлар, даромадларнинг юқори даражада табақаланиши ва ишсизликнинг юқори даражаси);

- давом этаётган демографик вазиятнинг ёмонлашуви (мехнат ёшидаги аҳоли ўлим даражасининг юқорилиги, аҳолининг қўйидан кексайиши ва х.к.).

Ачинарличи шундаки, баҳолашлар индекс таркибидаги “ижтимоий инфратузилма” блоги индикаторлари “инқироз” ҳолатида эканлигини кўрсатди. Мазкур ҳолат ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган шифохона ўринлари сони, аҳолининг шифокорлар ва уй-жой билан таъминланиш кўрсаткичларининг чегаравий қийматдан анча пастлиги билан изоҳланади.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни интеграл баҳолаш индекси динамикаси\***

| Индикаторлар             | Йиллар       |              |              |              |              |              | Иқтисодий хавфсизлик даражаси  |                                |                                |                                |                                |                                |
|--------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------------------------|--------------------------------|--------------------------------|--------------------------------|--------------------------------|--------------------------------|
|                          | 2010<br>йил  | 2015<br>йил  | 2016<br>йил  | 2017<br>йил  | 2018<br>йил  | 2019<br>йил  | 2010 йил                       | 2015 йил                       | 2016 йил                       | 2017 йил                       | 2018 йил                       | 2019 йил                       |
| 1. Демографик салоҳият   | 0,828        | 0,813        | 0,818        | 0,809        | 0,804        | 0,800        | паст<br>(инқироз олди)         |
| 2. Мехнат бозори         | 0,935        | 0,917        | 0,921        | 0,917        | 0,788        | 0,758        | паст<br>(инқироз олди)         |
| 3. Аҳоли даромадлари     | 0,808        | 0,881        | 0,919        | 0,928        | 0,920        | 0,913        | паст<br>(инқироз олди)         |
| 4. Ижтимоий инфратузилма | 0,626        | 0,633        | 0,611        | 0,597        | 0,630        | 0,650        | инқироз                        | инқироз                        | инқироз                        | инқироз                        | инқироз                        | инқироз                        |
| <b>Жами</b>              | <b>0,799</b> | <b>0,811</b> | <b>0,817</b> | <b>0,813</b> | <b>0,785</b> | <b>0,780</b> | <b>паст<br/>(инқироз олди)</b> |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлаари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Иқтисодий хавфсизлик таъминлаш миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида мамлакат, иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни, айниқса келажакда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегияси, асосий ва устувор йўналишлари шакллантиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши туфайли демографик сиёсат оилани режалаштириш ва ўлим даражасини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, давлатнинг демографик сиёсати – турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни камайтириш воситаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати эндиликда оилани режалаштириш сиёсатига мамлакатда камбағаллик даражасини камайтириш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қарashi мақсадга мувофиқ.

3. Демографик жараёнларни ривожлантириш истиқболларини ўзида мужассам этган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепцияси лойиҳасида таъкидланганидек, демографик омилни меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва инсон капиталини юксалтириш механизmlарини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишга айлантириш зарур.

4. Демографик омил ҳар бир худуд (вилоят, шаҳар, туман)да ижтимоий-иктисодий ривожланиш параметрларини белгилаб беради. Ўтказилган тадқиқот Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасидаги (вилоятидаги) демографик таҳдидларнинг оила ва маҳаллаларда шаклланадиган ўзига хос хусусиятларини аниқлаб берди. Шунинг учун комплекс худудий ривожлантириш, минтақалар, шаҳарлар ва туманларни ривожлантириш стратегик дастурларни амалга оширишда, шу жумладан 2030 йилгача бўлган истиқболда аҳолининг сони, таркиби ва жойлашуви кўрсаткичларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, демографик кўрсаткичлар асосида минтақавий ривожланиш давлат сиёсатини амалга ошириш учун барча даражадаги хокимиятларнинг, жумладан, бандлик, ижтимоий ҳимоя, миграция ва ҳ.к. масалаларда ваколатлари ва жавобгарлигини ошириш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Население мира растет, стареет и переезжает в города // <https://www.un.org>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш

йили»да амалга оширишга оид давлат дастури түғрисида”ги [Фармони](#) // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон

3. Demography All Volumes & Issues. Volume 57, Issue 3, June 2020. – P.18.
4. Applied mathematical demography. – 3rd ed. / Nathan Keyfitz, Hal Caswell. – New York: Springer Science+Business Media, Inc. 2014. – 575 p.
5. Сулакшин С.С. Российский демографический кризис: от диагностики к преодолению. – М.: Научный эксперт, 2006. – С.26.
6. Соболева С.В., Чудаева О.В. Демографическая безопасность России и ее регионов: факторы, проблемы, индикаторы // Регион: экономика и социология. 2008. № 3. С. 147-167.
7. Шершакова Е.М. Оценка демографической безопасности // Пространственная экономика, 2008. №4. – С.153-165.
8. Demografie, Review for Population Research – No. 2/2020. – P.71.